Haqsevar ona yurt, mangu bo`l obod!

TOSHKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
9-sentyabr
CHORSHANBA
№ 74
(13935)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 | Haqiqat online | haqiqatonline_

▼ Хамкорлик





Иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим омил

Япония компаниялари учун Тошкент вилоятида янги имкониятлар

Тошкент вилоятида хорижий инвестицияларни жалб этиш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ва юқори қўшилган қийматга эга янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу жараёнда илғор хорижий компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг Японияниинг илғор компаниялари вакиллари билан учрашувида ҳам ана шу йўналишдаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари муҳокама қилинди. Мулоқотда вилоятнинг инвестициявий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Япония компанияларининг илғор тажрибаси ва технологияларини ҳудуд иқтисодиётига кенг жорий этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Учрашув давомида Япониянинг рақамли трансформация, яшил технологиялар, саноатни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш борасидаги тажрибаси юзасидан фикр алмашилди.

Қайд этилганидек, Тошкент вилояти саноат, хизмат кўрсатиш, логистика, IT ва бошқа истиқболли йўналишларда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятларга эга. Бугунги кунда вилоятда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур инфратузилмани шакллантириш, инвесторлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан, Япония компаниялари билан ҳамкорликни рақамли технологиялар ва инновациялар йўналишида янада кенгайтириш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

(Давоми 2-саҳифада)

МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН БОШЛАНДИ

Қарийб олти ой давомида машаққатли меҳнат, катта сарф-харажат ва фидойилик эвазига етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишнинг масъулиятли палласи бошланди.

▼ Пахта – 2026

Шу муносабат билан эрта тонгдан вилоят фаоллари, нуронийлар, жамоат ва давлат ташкилотлари мутасаддилари, туман ва шаҳар ҳокимлари, фермер ва кластерлар раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари эзгу таомилга мувофиқ, Зангиота зиёратгоҳида йиғилдилар.

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида муаззам маскан зиёрат қилиниб, ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Табаррук қадамжода жонлик сўйилиб, эҳсон дастурхони ёзилди. Қўллар дуога очилиб, баракали ҳосилни йиғиб-териб олишга бел боғлаган бободеҳқонларнинг ишига унум, эл дастурхонига тўкинлик, юртимизга тинчлик тилаб, фотиҳа қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)



Паркент туманига янги темирйўл қатнови йўлга қўйилди. Мазкур йўналиш ҳудуднинг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли учун қулай ва хавфсиз қатнов имкониятларини кенгайтириш билан бирга туманнинг туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

ПАРКЕНТДАН ПОЙТАХТГА – ПОЕЗД ОРҚАЛИ

▼ Қулайлик



4

СИФАТЛИ УРУҒЛИК – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

2

МИЛЛАТ ХОТИРАСИГА ДАХЛ ҚИЛГАН МАСЪУЛИЯТ



4

Олий таълимда янги давр:

ҚАМРОВ, ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА

▼ Ислоҳот



Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги – босиб ўтилган йўлни инсон ҳаётидаги ўзгаришлар билан баҳолайдиган тарихий палладир. Истиқлол йилларида таълим миллат тараққиётининг мустаҳкам таянчига айланди, кейинги ўн йилда эса олий таълимдаги янгиланишлар минглаб ёшларга кенг йўл очди. Энди асосий вазифа – яратилган имкониятни сифатли билимга, сифатли билимни эса мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган натижага айлантириш. Бу жараённи республика миқёсидаги ислоҳотлар ва Чирчиқ давлат педагогика университети тажрибаси яққол кўрсатади.

2016 йилга келиб Ўзбекистон олий таълимида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар яққол сезиларди. Олий таълимга қамров паст, қабул имкониятлари чекланган, мавжуд университетлар ва таълим йўналишлари эса аҳоли сони, ёшлар улуши ва меҳнат бозорининг тез ўзгараётган эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермасди. Университетга кириш кўплаб ёшлар учун катта орзу эди. Аммо бу орзуни амалга ошириш имконияти ҳаммага ҳам насиб этмасди. 2016 йилдан кейин бу эҳтиёжларга муносабат тубдан ўзгарди. Олий таълимга мамлакатнинг интеллектуал ва иқтисодий тараққиётини белгилайдиган стратегик ресурс сифатида қаралди: янги олий таълим муассасалари очилди, қабул параметрлари оширилди, таълим шакллари кўпайди, ҳудудларда университетлар ташкил этилди, нодавлат ва хорижий олийгоҳларга ҳам кенг имкониятлар яратилди. Натижада, университет ёшлар ҳаётидаги нодир имкониятдан жамиятнинг кенг қатламларига очилган тараққиёт майдонига айлана бошлади.

Олий таълимдаги ўзгаришларни тўртта узвий тушунча орқали англаш мумкин: қамров, имконият, сифат ва натижа. Қамров – университет эшигининг очилиши; имконият – талабанинг ўқиши, изланиши ва қобилиятини намоён қилиши учун муҳит; сифат – ана шу муҳитнинг билим ва мустақил тафаккурга айланиши; натижа эса битирувчининг жамиятда қандай қўшимча қиймат яратаётганида кўринади.

(Давоми 3-саҳифада)

Иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим омил



Хусусан, вилоятда Япония компаниялари иштирокида IT-аутсорсинг марказини ташкил этиш, Нурафшон шаҳрида «ақлли шаҳар» пилот лойиҳасини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳалар доирасида давлат бошқаруви, коммунал хўжалик, тиббиёт ва транспорт соҳаларига замонавий рақамли ечимларни жорий этиш, хизматлар сифатини ошириш ва бошқарув жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Саноат кооперациясини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш масалалари ҳам мулоқотнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Хусусан, Сайдовул саноат зонасида Япония мебель ва дизайн кластерини ташкил этиш таклифи илгари сурилди. Ушбу йўналишда япон мебель маҳсулотларини маҳаллийлаштириш, замонавий дизайн ва ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш, маҳаллий корхоналар билан кооперацияни йўлга қўйиш ҳамда тайёр маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш имкониятлари муҳокама қилинди.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши кадрлар тайёрлаш ва меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларни қамраб олди. Япония компаниялари билан ҳамкорликда касбий кўникмалар ҳамда япон тилини ўргатишга ихтисослашган марказларни ташкил этиш таклиф қилинди. Бундай марказларда ёшларни IT, тиббий парвариш, мебелсозлик ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича замонавий стандартлар асосида тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш ва халқаро меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш мақсад қилинган.

Таъкидлаш жоизки, бундай ҳамкорлик нафақат янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, балки илғор технологияларни маҳаллийлаштириш, янги иш ўринларини яратиш, ёшлар учун замонавий касбларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Мулоқот якунида томонлар билдирилган таклифларни амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш, истиқболли лойиҳаларни чуқур ўрганиш ва уларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдилар.

Япония компаниялари билан йўлга қўйилаётган бундай алоқалар Тошкент вилоятининг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, инновацион ривожланишни жадаллаштириш ва ҳудуд иқтисодиётини янги технологиялар асосида ривожлантиришда муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Viloyat bo‘ylab

Viloyat hokimining o‘rinbosari Jahongir Mamajonov boshchiligida Xitoyning yirik kompaniyalari va ishbilarmon doiralari vakillari bilan uchrashuv o‘tkazildi. Unda Xitoyning 15 ta kompaniyasi va tashkiloti vakillari ishtirok etdi. Tomonlar viloyat hududida zamonaviy ishlab chiqarish korxonalarini tashkil etish, isitish tizimlari va gaz uskunalarini ishlab chiqarish, shuningdek, sanoat kooperatsiyasini yo‘lga qo‘yish hamda ilg‘or texnologiyalarni joriy etish masalalarini muhokama qildilar.

Viloyat sog‘liqni saqlash tizimi vakillari Moskva viloyati Hukumat uyida o‘tkazilayotgan «Pediatriya – san’at sifatida» mavzusidagi VII xalqaro syezdda ishtirok etishdi. Syezdda 200 dan ortiq spiker, 300 dan ziyod ma’ruza va 7 ta tematik zal tashkil etilgan. Tadbir doirasida neonatologiya, bolalar kardiologiyasi, nevrologiya, infeksion kasalliklar, onkogematologiya, reabilitatsiya, raqamlashtirish, sun’iy intellekt va telemedisina kabi dolzarb yo‘nalishlar muhokama qilindi.

Milliy gvardiya Toshkent viloyati bo‘yicha boshqarmasida NURAFSHON shahridagi umumta’lim maktablari o‘rtasida huquqbuzarlik va jinoyatchilikning barvaqt oldini olish, ularning bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish hamda davomat ko‘rsatkichlarini yaxshilash maqsadida profilaktik hamkorlik tashkil etildi. Tadbirda voyaga yetmaganlarni nazoratsiz qoldirmaslik, o‘quvchilar o‘rtasida sog‘lom muhitni shakllantirish, huquqbuzarliklarning erta oldini olish bo‘yicha rejali chora-tadbirlar belgilandi.

PISKENT tumani ichki ishlar bo‘limining zamonaviy, yangi ma’muriy binosi foydalanishga topshirildi. Zamon talablari asosida qayta qurilgan yangi bino avvalgisidan nafaqat ko‘rinishi, balki imkoniyatlari bilan ham tubdan farq qiladi. Ilgarigi binoda 19 ta xizmat xonasi mavjud edi, endilikda esa xodimlar ixtiyoriga 46 ta qulay va shinam xizmat xonasi topshirildi.

TOSHKENT tumanining "Tutzor" mahallasida “Vosiq” Xalqaro maktabining yangi ta’lim va maktabgacha ta’lim majmuasi foydalanishga topshirildi. Muassasaning o‘ziga xos jihati – maktab va maktabgacha ta’lim bosqichlarining yagona ta’lim muhitida birlashtirilganidir. Majmuaning maktab qismi 1 ming 500 nafar o‘quvchiga, maktabgacha ta’lim qismi esa 360 nafar tarbiyalanuvchiga mo‘ljallangan.

CHIRCHIQ shahridagi 18-sonli umumiy o‘rta ta’lim maktabiga shahar hokimi Murodjon Abdurahimov tomonidan elektron kutubxona tashkil etish uchun 100 million so‘mlik vaucher topshirildi. Yangi elektron kutubxona o‘quvchilarning zamonaviy axborot va ta’lim resurslaridan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish bilan birga, ularning kitob mutolaasiga bo‘lgan qiziqishlarini oshirishga xizmat qiladi.

МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН БОШЛАНДИ

Дарҳақиқат, пахтакорларимиз олдида етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда, нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишдек масъулиятли вазифа турибди.

Жорий йил қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахта етиштиришда ҳам синовли, ҳам сермаҳсул йил бўлди. Вилоятда янги технологиялар асосида пахта етиштирилиб, агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилди. Соҳа олимлари ва мутахассисларининг таъкидлашича, бу мавсумда ҳар йилгидан ҳам мўл ҳосил олиш кутилмоқда.

Вилоятимизда 1 минг 110 та фермер ва қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан 54 минг гектар майдондан 281 минг тонна пахта, ҳар гектаридан ўртача 52 центнердан ҳосил олиш режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 100 минг тонна, ҳар гектар ҳисобида эса 10 центнер кўп ҳосил дегани.

Қолаверса, бу йил пахта теримида механизацияга алоҳида эътибор қаратилиб, биринчи маротаба вилоятда 46 минг гектар, яъни жами майдоннинг 85 фоизи ҳосилини машиналар ёрдамида териб олиш режалаштирилган.

Мазкур вазифани самарали ташкил этиш мақсадида 50 дан ортиқ терим машиналари харид қилиниб, вилоятдаги пахта териш техникалари сони 180 тага етказилди.

Қолаверса, бу йил пахта терими жараёнларини назорат қилишда замонавий GPS тизимидан кенг фойдаланиш, яъни, шу орқали машиналарнинг ҳаракатланиши, ишлаган вақти, терилган майдони ва бекор туриб қолиш ҳолатларини онлайн кузатиб бориш режалаштирилган. Бундан мақсад – терим жараёнини қоғоздаги ҳисоботлар билан эмас, балки аниқ ва тезкор маълумотлар асосида таҳлил қилишдир.

Пахта теримини уюшқоқлик билан ташкил этиш, жойларда юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал



қилиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоятдан ҳар бир туманга масъуллар бириктирилди.

Маросимда вилоят раҳбари, нуронийлар сўз олиб, пахта теримида иштирок этадиган механизаторлар, фермерлар, кластерлар раҳбарлари ва деҳқонларга мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, техника ва ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳосилни талафотларсиз йиғиб олиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа техник регламентларга қатъий риоя қилиш, теримчиларнинг ижтимоий ҳимояси ва манфаатдорлигини ошириш бўйича зарур тавсиялар беришди.

Якунда катта саъй-ҳаракатлар ва ҳамжиҳатлик билан етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва мавсумни ҳам юқори натижалар билан якунланишига ишонч билдирилди.

Жалолиддин ЭСОНОВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

▼ Қонун ва ҳаёт

Кейинги йилларда мамлакатимизда энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия самарадорлигини ошириш ва ушбу соҳада давлат назоратини кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ амалиётда электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, газдан белгиланмаган мақсадларда ёки қоидаларни бузган ҳолда фойдаланиш, ҳисобга олиш воситаларига аралашиш каби ҳолатлар ҳамон учраб турибди.

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИК — БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Ана шу ҳолатларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада аниқлаштириш ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 мартдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чоралари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан бир қатор муҳим нормалар ўзгарди. Энг муҳим жиҳати – ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун белгиланган жавобгарлик чораларининг кучайтирилганидир.

Жумладан, қонунбузилишнинг айрим турлари учун жиноий жавобгарлик доирасидаги жарима миқдори оширилди.

Бу ерда жавобгарликни кучайтиришдан кўзланган мақсад фуқарони жазолаш эмас, балки электр энергияси, газ ва бошқа энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишни таъминлаш, ресурсларнинг ноқонуний ёки самарасиз сарфланишининг олдини олишдир.

Бундан ташқари, Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 100-моддасига ҳам муҳим ўзгартишлар киритилди.

Аввалги таҳрирда электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш ҳақида умумий норма мавжуд бўлган бўлса, энди мазкур норма мансабдор шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш ҳолатига аниқ йўналтирилди.

Бу ўзгаришнинг аҳамияти катта. Чунки энергиядан фойдаланишда масъулият кимнинг зиммасида экани аниқ белгиланиши ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги турли тушунмовчиликларнинг олдини олади.

Масалан, корхона ёки ташкилотда электр энергиясидан самарасиз фойдаланиш, энергияни асоссиз равишда исроф қилиш ҳолатига йўл қўйилса, бунинг учун масъул мансабдор шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши мумкин.

Шунингдек, ўз фаолиятини якка тартибдаги тадбиркор сифатида амалга ошираётган шахслар ҳам энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиши лозим.

Янги таҳрирга кўра, 100-модданинг биринчи қисмидаги мазкур ҳуқуқбузарлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима белгиланди.

Модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолат учун эса жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз беш бараваригача этиб белгиланди.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати – электр энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари учун фуқароларга ҳам белгиланган жарима миқдорлари қайта кўриб чиқилганидир.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддаси биринчи қисми санкцияси янги таҳрирда баён қилиниб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача жарима солиш белгиланди.

Бу нормани ҳар бир истеъмолчи яхши билиши керак. Чунки электр энергияси тармоғига ўзбошимчалик билан аралашиш, белгиланган тартибни бузиш ёки электрдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик нафақат иқтисодий зарар, балки тармоқ хавфсизлигига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 103-моддасига киритилган ўзгартишлар ҳам аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бевосита аҳамиятга эга.

Ушбу модданинг биринчи қисмидаги норма аниқлаштирилиб, мансабдор шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан газдан фойдаланиш қурилмасига газни рухсатсиз очиб бериш билан боғлиқ ҳолатлар назарда тутилди.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида эса мансабдор шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан газдан фойдаланиш қурилмаларини газ сарфини ҳисобга олмай туриб ишлатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқ белгилаб қўйилди.

Бу ерда ҳам асосий мақсад – газдан фойдаланиш жараёнида ҳисоб-китобнинг шаффофлигини таъминлаш, ресурсларнинг ноқонуний сарфланишига йўл қўймаслик ва барча истеъмолчилар учун тенг талабни таъминлаш.

Газ қурилмаларига ўзбошимчалик билан аралашиш, уларни ўзгартириш, ҳисобга олиш воситалари ишига таъсир кўрсатиш ёки рухсатсиз уланишларга йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас.

Қонун билан ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва улар бўйича маъмурий баённома расмийлаштириш ваколатларига оид нормалар ҳам такомиллаштирилди.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 260²-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, қатор нормаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари мансабдор шахсларининг ваколатлари аниқ белгиланди.

Шу билан бирга, ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар юзасидан баённома тузиш ваколати Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг профилактика инспекторларига берилган.

Энг муҳим савол: нима учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда?

Бунинг жавоби қонуннинг ўзида аниқ ифода этилган.

Мақсад – энергия тежалишини, ундан оқилона фойдаланилишини ва энергия самарадорлигининг оширилишини таъминлаш, ёқилғи-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

“Ўзэнергоинспекция” томонидан ҳам бу борада профилактик ва тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, қонун талабини аҳолига олдиндан тушунтириш, тадбиркорни ўз мажбуриятларидан хабардор қилиш ва ҳуқуқбузарлик содир этилмасидан унинг олдини олиш энг тўғри йўлдир.

Энергияни тежаш – фақат бугунги харажатларни камайтириш эмас. Бу мамлакат энергетика барқарорлиги, иқтисодий тараққиёт ва келажак авлод манфаатларини таъминлашга қўшиладиган амалий ҳиссадир.

Фикрат КАРИМЖОНОВ, “Ўзэнергоинспекция”нинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи

СИФАТЛИ УРУҒЛИК — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Мамлакатимиз аҳолиси сонининг йилдан-йилга ортиб бориши билан озиқ-овқат, хусусан, дон маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Аҳолининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда эса сифатли уруғлик тайёрлаш муҳим омиллардан биридир.

▼ Агроназорат



Шу боис келгуси йил ҳосили учун уруғлик донни тайёрлаш, сақлаш ва реализация қилиш жараёнлари устидан назоратга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳукуматнинг соҳага оид қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган бошоқли дон экинлари уруғларини жамғариш, дон корхоналарига қабул қилиш, сақлаш, дорилаш ва қадоқлаш жараёнларида белгиланган талабларга риоя этилиши назорат қилинмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятида жамғарилган уруғлик донни сифатли сақлаш, дорилаш ва қадоқлаш, шунингдек, рақамли QR-кодли ёрлиғи мавжуд бўлмаган ҳамда ижобий экишбоплик хулосаси олинмаган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини реализация қилиш ва экилишининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Бу жараёнга Инспекциянинг вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш марказининг ҳудудий филиалларидан малакали мутахассислар жалб этилган.

Жорий йилда вилоят туманларида хусусий уруғчилик корхоналари, элита уруғчилик хўжаликлари ҳамда фермер хўжаликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган навлардан жами 29 минг 599 тонна уруғлик дон қабул қилинди.

Айни пайтда 2026 йил ҳосилидан жамғарилган уруғликларни тайёрлаш корхоналарида тозалаш, саралаш, дорилаш ва қадоқлаш ишлари олиб борилмоқда. Уруғлик донни тайёрлаш цехларининг кунлик ишлаб чиқариш қуввати ҳисобга олиниб, тозалаш, саралаш, дорилаш ва қадоқлаш ишлари бўйича тегишли графиклар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ҳудудларнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида 2026 йил ҳосилидан тайёрланган уруғлик буғдойни совиткичли омборларда сақлаш ва белгиланган тиним даврини ўтаганидан сўнг амалиётга жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Қабул қилинган уруғлик дон тўдаларини амалдаги низом талаблари асосида сақлаш юзасидан уруғчилик дон корхоналари раҳбарларига тегишли огоҳлантириш хатлари берилди.

Мазкур тадбирларнинг изчил амалга оширилиши келгуси мавсумда сифатли уруғликдан фойдаланиш, бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тошкент вилоятида уруғлик донни тайёрлаш, сақлаш ва унинг сифат кўрсаткичларини таъминлаш борасидаги ишлар Инспекциянинг вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан тизимли равишда назорат қилиб борилмоқда.

Ш. УСУБАЛИЕВ, Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари етиштирилишини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи

Олий таълимда янги давр:
ҚАМРОВ, ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзгаришнинг қўламини рақамлар аниқ кўрсатади. 2016 йилда 18–23 ёшли аҳолининг олий таълим билан қамрови 7,2 фоиз атрофида эди, 2024/2025 ўқув йили бошига келиб бу кўрсаткич 47,7 фоизга етди. 2025 йилга келиб мамлакатдаги талабалар сони 1,7 миллион нафарга яқинлашди. Олий таълим ташкилотлари сони эса 207 тага етди: улар орасида давлат, нодавлат ва хорижий университетлар ҳам бор. Бу рақамлар бир нарсани кўрсатади: олий таълимнинг жамиятдаги ўрни ва ундан фойдаланиш имконияти тубдан ўзгарди.

Бу ўзгаришнинг яна бир муҳим жиҳати олий таълимнинг географияси билан бирга унинг ижтимоий таркиби ҳам кенгайганидир. Илгари университетга кириш кўпроқ йирик шаҳарлар ва имконияти кенг оилалар фарзандлари учун қулай бўлган бўлса, бугун ҳудудлар, хотин-қизлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ва меҳнат фаолиятини таълим билан бирга олиб бораётган фуқаролар учун ҳам йўллар очилди. Бу эса олий таълимни фақат диплом берувчи тизим эмас, балки таълим йўналишларини кенгайтириш, илмий тадқиқотларни кучайтириш ва педагогик инновацияларни тизимли ривожлантириш учун янги босқич бўлди. Бугун университет педагогика, мактабгача ва бошланғич таълим, махсус педагогика, гуманитар, аниқ ва табиий фанлар, хорижий тиллар, санъат ва бошқа соҳаларда кадрлар тайёрламоқда. Ахборот тизимлари ва сунъий интеллект каби замонавий йўналишларнинг пайдо бўлиши эса педагогик таълим мазмунининг келажак эҳтиёжларига мослашаётганини кўрсатади.

ЧДПУ дастлаб Тошкент вилояти эҳтиёжлари учун ташкил этилган бўлса, кейинчалик унинг қабул географияси республика миқёсига кенгайди. Бугун университетда 22 мингдан зиёд талаба таҳсил олади ва улар орасида мамлакатнинг турли ҳудудларидан келган ёшлар бор. Бу ўзгариш ЧДПУнинг вазифаси ва масъулияти ҳам кенгайганини англатади. Бу кенгайиш университетнинг ички муҳитини ҳам ўзгартирди. Турли ҳудудлардан келган талабаларнинг бир маконда ўқиши ва ўзаро мулоқоти талабаларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларда фуқаролик ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлайди. Бу эса университетнинг ўзи учун ҳам, бутун минтақа учун ҳам муҳим.

Ёшларни университетга қабул қилиш билан вазифа тугамайди. Яъни, унинг таълимни узлуксиз давом эттириши, моддий ёки ижтимоий қийинчиликлар туфайли ўқишдан четда қолмаслиги, ўз иқтидорини намоён этиши учун тизимли шароит керак. Кейинги йилларда грант, таълим кредити, стипендия, ижтимоий ёрдам, академик мобиллик ва қўшма дастурлар ана шу мақсадга хизмат қиладиган яхлит механизмга айланди. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бу тизимнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Магистратурада таҳсил олаётган хотин-қизларнинг контракт тўловларини давлат бюджети ҳисобидан қоплаш, таълим кредитлари, қўшимча грантлар ва докторантура имкониятлари “талаба – магистрант – докторант – олима” узвийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу ерда гап вақтинчалик имтиёз эмас, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини узоқ муддатли ривожлантириш ҳақида бормоқда.



Битирувчининг мактабдаги натижасини кузатиш университет учун қайта алоқа вазифасини бажаради. Масалан, ёш педагог рақамли дарсни ташкил этишда қийналса, демак университет дастурида шу компетенцияни кучайтириш керак. Агар у синф бошқаруви ёки ота-она билан мулоқотда муаммога дуч келса, бу ҳам таълим мазмунига қайтиши лозим. Шундай механизм ишласа, ўқув дастури қоғоздаги ҳужжат эмас, мактаб эҳтиёжи билан доимий янгиланиб турадиган тирик тизимга айланади.

ЧДПУ битирувчиси замонавий методика, рақамли компетенция ва тадқиқотчилик тафаккурини мактабга олиб кириши керак. Университетда яратилган илмий ишланмалар ҳам мақола ёки диссертация саҳифаларида қолиб кетмасдан, ўқитувчи фаолияти ва ўқувчи натижасига таъсир қилиши лозим. Бунинг учун олим, докторант, магистрант, талаба ва амалиётчи ўқитувчи ўртасида узлуксиз ҳамкорлик керак.

Шу нуқтаи назардан “ЧДПУ – мактаб – битирувчи” алоқаси алоҳида аҳамиятга эга. Битирувчи университетни тамомлагач, алоқа узилмаслиги, у янги методик ишланмалар ва касбий ривожланиш имкониятларидан фойдаланиши, мактабдаги янги муаммо ва эҳтиёжларни эса университетга қайтариб олиб келиши керак. Бу айланма алоқа университетга ҳам ўз дастурларини реал амалиёт асосида янгилаш имконини беради.

ЧДПУ тажрибасини ягона занжирда ифодалаш мумкин:

қамров → имконият → замонавий таълим муҳити → назария ва амалиёт интеграцияси → касбий, рақамли ва тадқиқотчилик компетенциялари → рақобатбардош педагог → мактаб таълими сифати → жамият тараққиёти.

Бу моделнинг муҳим жиҳати натижани университет деворлари билан чегараламасликдир. Бир яхши педагог юзлаб ўқувчига, улар орқали эса минглаб оилаларга таъсир қилади. Шунинг учун педагог тайёрлашга киритилган сармоянинг самараси бир иш жойи ёки бир диплом билан ўлчанмайди; у кейинги авлоднинг билимга муносабати, мустақил фикрлаши ва ижтимоий фаоллигида давом этади. Бу занжирда ҳар бир бўғин кейинги босқич учун замин яратади. Қамров ёшга эшик очади, имконият унинг салоҳиятини ривожлантиради, сифат рақобатбардош педагогни шакллантиради, натижа эса мактаб ва жамиятда кўринади. Шунинг учун университетдаги ҳар бир янги йўналиш, лаборатория, илмий лойиҳа ва педагогик ташаббус охир-оқибат ўқувчига етиб бориши керак.

Шу жараёнда яна бир тамойилни унутмаслик керак: олий таълимдаги ҳар қандай ислоҳот инсон тақдирига бориб тақалади. Университетга кириш имконияти кенгайиши ёшнинг ҳаёт режасини ўзгартиради, сифатли таълим унинг касбий йўлини белгилайди, кучли педагог эса келгуси авлод тафаккурига таъсир қилади. Шу боис қамров, имконият, сифат ва натижани алоҳида кўрсаткичлар эмас, бир-бирини тўлдирувчи ягона тараққиёт занжири сифатида кўриш муҳим. Бу занжирнинг бирор бўғини заиф бўлса, умумий натижа ҳам кутилган даражага етмайди. Аксинча, ҳар бир босқич бир-бирини қувватласа, олий таълим мамлакатнинг энг кучли ижтимоий лифтларидан бирига айланади.

Бугун биз олий таълимдаги ислоҳотларнинг янги босқичига кириб келяпмиз. Энди рақамлардан кўра уларнинг мазмуни, имкониятлардан кўра уларнинг самараси, дипломдан кўра битирувчининг жамиятдаги ўрни кўпроқ аҳамият касб этади. Бу қараш ҳар бир университетдан ўз вазифасини аниқроқ белгилашни талаб қилади. Педагогика университети учун эса бу вазифа янада масъулиятли: у фақат бугунги мактаб учун эмас, келажак мактабининг ўқитувчисини тайёрлайди. Шунинг учун ЧДПУ олдидаги стратегик вазифа ҳам равшан: кенг қамровни юқори сифатга, юқори сифатни эса мактабдаги реал ўзгаришга айлантириш. Бунда профессор-ўқитувчининг илмий салоҳияти, талабанинг мустақил фикрлаши, рақамли ва сунъий интеллект компетенциялари, мактаб билан доимий ҳамкорлик ва илмий ишланмаларнинг амалиётга кириб бориши бир-биридан ажралмас бўлиши керак.

2016 йилдан кейин Ўзбекистон олий таълимида бошланган ислоҳотлар қамровни кенгайтиришдан сифат ва натижадорликка бўлган янги тараққиёт йўлини шакллантирди. Чирчиқ давлат педагогика университети тажрибаси эса бу жараённинг аниқ ифодасидир: ҳудудий эҳтиёж учун ташкил этилган олийгоҳ бугун республика миқёсида кадр тайёрлайдиган, таълим, илм-фан ва мактаб амалиётини бирлаштирадиган педагогик марказга айланмоқда. Энди асосий мақсад кўпроқ талабани қабул қилиш эмас, ҳар бир ёшга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини бериш ва уни мактабга янгилик олиб кира оладиган рақобатбардош педагог сифатида тайёрлашдир. Зеро, педагогика университетининг энг ишончли натижаси дипломлар сонида эмас, унинг битирувчилари фаолият юритаётган синфхоналарда, ўқувчиларнинг билими, тафаккури ва келажакка ишончида намоён бўлади.

Ғофуржон МУҲАМЕДОВ,
Халқ депутатлари Тошкент вилояти
Кенгаши депутати, Ўзбекистон фан арбоби

Олий таълимнинг оммавийлашуви меҳнат бозори олдига ҳам янги вазифа қўйди. Энди масала кўп сонли битирувчини тайёрлаш эмас, уларнинг билим ва компетенцияларини иқтисодиётнинг реал эҳтиёжлари билан уйғунлаштиришдир. Шу боис университетлар қайси мутахассисликка эҳтиёж ортиб бораётганини, қайси соҳада кадрлар ортиқча ёки етишмаётганини мунтазам таҳлил қилиб бориши керак. Қамров иқтисодиёт талабидан узилса, сон ютуқ бўлиб қолади, аммо натижага айланмайди.

Энг муҳим натижа фақат янги университетлар очилганида эмас, олий таълимнинг одамларга яқинлашганида. Илгари кўп ёшлар университетда ўқиш учун пойтахт ёки йирик шаҳарларга боришга мажбур эди. Ҳудудлардаги янги олийгоҳлар эса оила харажатини камайтирди, танловни кўпайтирди ва маҳаллий интеллектуал муҳитни кучайтирди. Кечки, сиртқи ва масофавий таълим шаклларининг кенгайиши ишлаётган, оилавий масъулияти бор ёки анъанавий кундузги таълим имконига эга бўлмаган фуқаролар учун ҳам янги йўл очди.

Давлат олийгоҳлари қаторида нодавлат ва хорижий университетлар фаолиятининг кенгайиши рақобат муҳитини ҳам яратди. Абитуриент учун танлов кўпайди, университетлар учун эса таълим дастурларини янгилаш, меҳнат бозорига яқинлашиш ва сифат учун курашиш зарурати кучайди. Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатда олий таълимнинг янги архитектураси шаклланди: турли мулк шаклидаги университетлар, янги таълим йўналишлари, ҳудудий олийгоҳлар ва турли таълим шакллари бир тизимнинг таркибий қисмларига айланди.

Қамровнинг ўсиши фақат статистика эмас. Ҳар бир рақам ортида бир ёшнинг орзуси, бир оиланинг ишончи ва янги ҳаёт йўли турибди. Университетга кириш имконияти кенгайиши жамиятдаги ижтимоий мобилликни ҳам кучайтирди: ёшлар ўз тақдирини билим ва касб орқали ўзгартириш мумкинлигига ишона бошлади, ота-она фарзандининг олий маълумот олишини реал мақсад сифатида кўра бошлади. Бу жараёнда хотин-қизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар учун яратилган имкониятлар алоҳида аҳамият касб этди. Қўшимча давлат грантлари, таълим кредитлари, контракт харажатларини қоплаш механизмлари ва манзилли ижтимоий кўмак таълим йўлидаги иқтисодий тўсиқларни камайтирди. Масалан, 2025/2026 ўқув йилида тавсияномага эга, олий маълумоти бўлмаган хотин-қизлар учун қўшимча давлат грантлари 4 мингтага етказилди. Бу каби механизмлар иқтидорни оилавий шароит ёки моддий имконият чеклаб қўймаслигига хизмат қилади.

Қамровнинг энг катта ижтимоий самараси олий таълимнинг элита имкониятидан оммавий тараққиёт институтига айланаётганидир. Лекин бу ютуқ янги масъулиятни ҳам келтириб чиқаради. Университет эшигини очиш муҳим, аммо шу эшикдан кирган зим эмас, ижтимоий тенглик ва имкониятлар ҳаракатчанлигини таъминловчи институтга айлантирмоқда.



Имкониятнинг яна бир қирраси – халқаро академик муҳитга чиқиш. Қўшма таълим дастурлари, академик мобиллик ва хорижий университетлар билан ҳамкорлик талабага бошқа илмий мактабларни кўриш, тил ва касбий компетенцияларини синаш, глобал меҳнат бозорини англаш имконини беради. Рақамли таълим ресурслари, электрон кутубхоналар ва сунъий интеллект воситалари эса билим олишни аудитория чегарасидан чиқармоқда.

Қамров ошди, имкониятлар кенгайди. Энди энг асосий савол: бу имкониятлар қандай сифатга айланмоқда? Талабалар сонининг кўпайиши таълим сифати автоматик равишда ошганини англатмайди. Аксинча, катта қамров университетлар зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Сифатни баҳолашда ҳам қарашни ўзгартириш зарур. Имтиҳондаги юқори баҳо ёки дипломдаги кўрсаткичнинг ўзи битирувчининг ҳақиқий тайёргарлигини тўлиқ ифодаламайди. У муаммони мустақил ҳал қила оладими, жамоада ишлайдими, ахборотни саралайдими, ўз фикрини асослайдими, янги технологияни ўзлаштира оладими – замонавий меҳнат бозори ана шу қобилиятларни синаб кўради. Шунинг учун университетда баҳолаш тизими ҳам билимни қайта айтишдан кўра, уни қўллаш ва янги вазиятда ечим топишга йўналтирилиши керак.

Сифатнинг яна бир ўлчови – илм-фаннинг таълимга қай даражада кириб бориши. Профессор-ўқитувчи тадқиқот билан шуғулланса, унинг дарси ҳам янгиланади; талаба эса тайёр билимни эмас, билим қандай яратилишини кўради. Университет илмий муҳити қанчалик кучли бўлса, таълим дастурлари ҳам шунчалик тез янгиланади. Демак, илмий фаолият ва ўқув жараёнини алоҳида икки йўналиш эмас, бир-бирини озиқлантирадиган ягона тизим сифатида қуриш талаб этилади.

Республика миқёсидаги ислоҳотларнинг ҳудудий ифодаларидан бири Чирчиқ давлат педагогика университетининг ташкил этилиши. Университет тарихи 2017 йил 27 июлда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилиши билан бошланди. Унинг дастлабки вазифаси Тошкент вилояти таълим муассасаларини, айниқса, аниқ фанлар ва хорижий тиллар бўйича юқори малакали педагоглар билан таъминлаш эди.

ЧДПУ мисолида яна бир муҳим тенденция кўринади: ҳудудий университет фақат кадр тайёрлаш нуқтаси бўлиб қолмасдан, муайян соҳанинг илмий ва методик марказига айланиши мумкин. Педагогика университети учун бу вазифа айниқса долзарб, чунки унинг атрофида мактаблар, ўқитувчилар, методистлар ва тадқиқотчиларнинг доимий ҳамкорлик муҳити шаклланиши керак. Университет қанчалик очиқ ва мактаб билан боғланган бўлса, ҳудуддаги таълим муаммоларига шунчалик тез ва асосли жавоб беради. Шу сабабли ЧДПУ тараққиётини бино, факультет ёки талабалар сони билан чеклаб баҳолаш тўлиқ тасаввур бермайди. Асосий мезон унинг педагогик таълим мазмунига қандай янги ғоя киритаётгани, мактаб билан қандай ишлаётгани, ёш педагогнинг касбий қиёфасини қандай ўзгартираётгани ва илмий ишланмани амалиётга қанчалик тез олиб чиқаётганидир.

Бу қарор ҳудуддаги реал эҳтиёжга жавоб бўлди. Тошкент вилоятида мактаблар тармоғи кенг, педагог кадрларга талаб юқори эди. Янги олийгоҳ бир томондан маҳаллий мактаблар учун кадрлар захирасини яратди, иккинчи томондан вилоят ёшлари учун ўз ҳудудига яқин жойда олий педагогик таълим олиш имконини кенгайтирди.

2022 йилда институт негизида Чирчиқ давлат педагогика университети ташкил этилди. Бу фақат мақом ёки ном ўзгариши



таҳсил олиши тажриба, маданий муҳит ва педагогик қарашлар алмашинувини кучайтиради. Қорақалпоғистон, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро ёки Сурхондарёдан келган ёшлар мактаб тизимидаги ўзига хос муаммоларни ҳам ўзи билан олиб келади. Университет шу орқали мамлакат мактабларининг турли воқеликларини яхшироқ англайди ва педагог тайёрлашни бир ҳудуд доирасида эмас, республика эҳтиёжлари нуқтаи назаридан кўра бошлайди.

Шу нуқтаи назардан ЧДПУнинг республика миқёсидаги вазифаси икки томонлама. Биринчидан, у турли ҳудудлар учун малакали педагоглар тайёрлайди. Иккинчидан, мамлакат мактабларидаги илғор тажриба ва муаммоларни бир жойда тўплаб, таҳлил қилиш имконига эга бўлади. Агар бу тажриба илмий тадқиқотлар, методик ишланмалар ва малака ошириш дастурларига айлантирилса, университетнинг таъсири битирувчилар сонидан анча кенг бўлади.

Замонавий университет талабага фақат маъруза эмас, изланиш муҳити ҳам бериш керак. ЧДПУда ахборот-ресурс маркази, лабораториялар, рақамли платформалар, илмий тўгараклар, академик мобиллик ва инновацион лойиҳалар ана шу муҳитни шакллантиришга хизмат қилади. Ахборот-ресурс маркази фондида 182 мингдан зиёд адабиёт мавжуд бўлиб, электрон ва аудиовизуал ресурслар ҳам талабалар ихтиёрида. Талабага имконият беришнинг энг муҳим шартларидан бири унга ташаббус учун ишонч билдиришдир. Агар университетда ҳар бир ғоя фақат юқоридан бериладиган топшириқ сифатида қабул қилинса, ижодкор мутахассис шаклланмайди. Талаба ўз лойиҳасини таклиф қилиши, хато қилишдан қўрқмаслиги, натижасини қайта кўриб чиқиши ва жамоа билан ишлаши керак. Стартап, илмий тўгарак ва лойиҳа фаолиятининг қиммати ҳам шу ерда: улар талабани пассив ижрочидан масъулиятни ўз зиммасига оладиган иштирокчига айлантиради.

Рақамли компетенция педагог учун тобора муҳим касбий сифатга айланмоқда. Университетда “Ахборот технологиялари ва сунъий интеллект” йўналишининг ривожлантирилиши ҳам шу эҳтиёж билан боғлиқ. Педагог сунъий интеллектдан маълумот қидириш воситаси сифатидагина эмас, таълимни индивидуаллаштириш, ўқув натижаларини таҳлил қилиш ва рақамли ресурслар яратишда оқилона фойдалана олиши керак. Шу билан бирга, у ахборотни текшириш, академик ҳалолликни сақлаш ва технология билан инсон омили ўртасидаги мувозанатни таъминлашни ҳам билиши зарур.

Педагогика университетининг ҳақиқий қиймати унинг аудиториясида эмас, мактабга қандай таъсир кўрсатаётганида намоён бўлади. ЧДПУда шаклланган “Педагогик таълим инновацион кластери”нинг ижрочидан вазиятни таҳлил қиладиган ва янги ечим топа оладиган мутахассисга айлантиради. Педагогикада ҳар қандай модель, технология ёки методика охир-оқибат боланинг таълимига қандай таъсир қилгани билан баҳоланиши керак. Шунинг учун университет илмий салоҳиятининг мактаб муаммоларига йўналтирилиши ЧДПУ моделидаги энг муҳим тамойиллардан биридир.

Бугунги ўқувчи кечаги ўқувчи эмас. У ахборотни тез олади, рақамли муҳитда яшайди, танлови кўп ва саволлари бошқача. Демак, унинг қаршисидаги педагог ҳам фанини билиш билан чекланмайди. У рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан масъулиятли фойдаланадиган, танқидий ва ижодий фикрлайдиган, доимий ўрганадиган ва янги вазиятга мослаша оладиган мутахассис бўлиши керак. Университетнинг “Келажак ўқитувчиси” концепцияси ана шу касбий қиёфани белгилайди. Унда технология мақсад эмас, таълим сифатини ошириш воситаси. Ўқитувчи сунъий интеллект берган жавобни текширади, ўқувчини тайёр жавобга эмас, фикрлашга ўргатади, дарсни боланинг эҳтиёжига мос лойиҳалайди ва ўз устида доимий ишлайди.

Бу концепция “Учинчи ўқитувчи” ғояси билан тўлдирилади. Таълим жараёнида фақат ўқитувчи ва ўқувчи эмас, муҳитнинг ўзи ҳам таъсир кўрсатади. Аудитория, лаборатория, кутубхона, жиҳозлар, рақамли ресурслар, хавфсизлик ва эстетика талабанинг фикрлаши, фаоллиги ва руҳий ҳолатига таъсир қилади. Шундай экан, замонавий педагог замонавий муҳитда шаклланиши керак. Ривожлантирувчи, инклюзив ва хавфсиз таълим макони – сифатнинг ажралмас қисми.

Педагогика университетида натижани фақат битирувчилар сони билан ўлчаб бўлмайди. Университетда берилган таълимнинг ҳақиқий синови битирувчи мактабга борганда бошланади. У қандай дарс ўтяпти? Ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатяптими? Рақамли технологиядан мақсадли фойдаланяптими? Мактаб муҳитига қандай янгилик олиб киряпти? Асосий мезон ана шу саволларга берилган жавобда.

ПАРКЕНТДАН ПОЙТАХТГА – ПОЕЗД ОРҚАЛИ



Поезд 586 та ўринга эга бўлиб, жами 1 минг 154 нафаргача йўловчи ташиш имкониятига эга. Йўлкира нархи катталар учун 10 минг сўмгача, 10 ёшгача бўлган болалар учун эса 6,5 минг сўм этиб белгиланган. Тошкентдан

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Паркентгача бўлган йўл тахминан 50 дақиқани ташкил этади.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 январдаги қарори асосида амалга оширилди.

Қарорга кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ мутахассислари томонидан Байтқўрғон – Паркент темирйўл линиясини қуриш ишлари 2025 йил январь ойида бошланган эди. Лойиҳа доирасида узунлиги 24 километр бўлган электрлаштирилган темирйўл линияси барпо этилди. Шунингдек, 3 та темир-бетон кўприк, 1 та автомобиль йўл ўтказгичи, 76 та сув ўтказиш иншооти, 16 та автомобиль ва темирйўл кесишмаси ҳамда 50 ўринли «Паркент» темирйўл бекати қурилди.

Янги темирйўл қатновининг йўлга қўйилиши Паркент туманининг иқтисодий ва туристик имкониятларини кенгайтириши кутилмоқда. Қулай транспорт инфратузилмаси ҳудудга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимини ошириш, янги хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда қўшимча имкониятлар яратади.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

▼ Бунёдкорлик

“Деҳқонобод” ёшларига туҳфа

Нурафшон шаҳрининг “Деҳқонобод” маҳалласида янги замонавий спорт майдончаси фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, фаоллар, маҳалла жамоатчилиги ҳамда ёшлар иштирок этишди.



Янги спорт майдончаси аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва иқтидорли спортчиларни саралаб олиш учун етарли имконият яратади.





Тадбирда ушбу масканда ҳар шанба куни спорт бўйича турли оммавий мусобақалар, соғломлаштириш тадбирлари ва ёшлар ўртасида беллашувлар ўтказиб борилиши қайд этилди.

Бундай эзгу ташаббуслар маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш ҳамда аҳолининг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун янада кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Ҳар бир халқнинг ўзлигини англатиб турадиган, унинг кечмиши, бугуни ва эртаси ўртасида кўприк вазифасини ўтайдиган маънавий хазиналари бўлади. Булар – китоблар, қўлёзмалар, санъат асарлари билан бир қаторда, асрлар давомида сақланиб келаётган тарихий обидалар, қадимий шаҳар харобалари, зиёратгоҳлар ва ёдгорликлардир.

МИЛЛАТ ХОТИРАСИГА ДАХЛ ҚИЛГАН МАСЪУЛИЯТ

ёхуд Тошкент вилоятидаги маданий мерос объектларининг бугунги аҳволи ҳақида



Тошкент вилояти ана шундай бебаҳо меросга бой ҳудудлардан. Бу заминда аждодларимиз ҳаёти, меҳнати, бунёдкорлиги ва дунёқарашидан дарак берувчи юзлаб моддий-маданий мерос объектлари мавжуд. Аммо тарихий меросга эга бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Уни асраш, муҳофаза қилиш, асл қиёфасини сақлаган холда келажак авлодга етказиш – барчамизнинг зиммамиздаги катта масъулиятдир. Шу маънода вилоят Маданий мерос бошқармаси томонидан вилоят ҳокимининг 2026 йил 11 февралдаги “Тошкент вилоятида жойлашган маданий мерос объектларини хатловдан ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши асосида ташкил этилган





ишлар масаланинг нақадар долзарб эканини кўрсатди.



Ўрганишлар давомида вилоятда миллий рўйхатга киритилган 831 та моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объекти мавжудлиги аниқланди. Уларнинг 588 таси – археология, 8 таси – архитектура, 76 таси – монументал санъат ёдгорликлари, 159 таси эса диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳлардир. Бу рақамлар ортида муайян тарих, тақдир ва авлодлар хотираси бор. Шу боис уларга оддий бино ёки ер майдони сифатида эмас, балки халқимизнинг ўтмишига дахлдор ноёб маънавий бойлик сифатида қараш лозим. Хатлов жараёнида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳокимлик мутасаддилари билан объектларни асраш, сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Объектларга зарар етказилишининг олдини олиш, уларнинг атрофини ободонлаштириш, ҳашарлар ташкил этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди. Бироқ ўрганишлар ҳамма жойда иш бирдек ташкил этилмаганини кўрсатди.

Жумладан, Бўка туманидаги “Қўчқор ота” зиёратгоҳи, “Ғубор ота” қабри ва унинг атрофи, Оҳангарон шаҳридаги “Карвонсарой”, Оҳангарон туманидаги “Барбал ота”, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Бобохон ота”, Ангрен шаҳридаги “Гумбаз бобо” ва “Муллаи Турк бобо”, Пискентдаги “Мирмўмин мадрасаси” ва “Сармозор”, Нурафшондаги “Аҳтам Саҳоба” зиёратгоҳлари таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Аслида зиёратгоҳ ёки тарихий объектнинг ободлиги фақат унинг ташқи кўриниши билан эмас, унга бўлган муносабат билан ҳам ўлчанади. Шу боис ҳудудлардаги масъулларга объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларини қонунчилик талаблари асосида амалга ошириш юзасидан тушунтиришлар берилди.

Маълумки, маданий мерос объектида қурилиш, таъмирлаш ёки тиклаш ишларини бошлашдан олдин лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, молиялаштириш манбасини аниқлаш, белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишиш талаб этилади. Шу муносабат билан тадбиркорлар, ҳокимлик мутасаддилари ва бошқа манфаатдор шахсларга амалдаги қонунчилик талаблари тушунтирилди. Бу борада, айниқса, “аввал қуриб олайлик, кейин ҳужжатлаштирамиз” қабилидаги ёндашувга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу ерда гап оддий қурилиш эмас, балки тарихий қиёфани асраш ҳақида кетмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 33-сонли баёнига мувофиқ, 2025 йил якунига қадар 57 та маданий мерос объектини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан махсус 3D металл панжаралар билан ўраш вазифаси белгиланган эди. Бироқ хатлов натижасида мазкур топшириқнинг қатор ҳудудларда бажарилмагани маълум бўлди. Жумладан, Оҳангарон шаҳрида 1 та, Зангиотада 2 та, Қуйи Чирчиқда 2 та, Нурафшонда 4 та, Ангренда 3 та, Чинозда 5 та, Бўкада 8 та, Пискентда 9 та, Бекобод туманида 6 та, Оққўрғонда 9 та ва Юқори Чирчиқда 3 та объект бўйича ишлар амалга оширилмаган. Масалани ортиқча харажат талаб қилмайдиган, ҳажми нисбатан кичик объектлардан бошлаш мақсадида бошқарма томонидан ҳудудларга тегишли таклифлар киритилди.

Бугун тарихий объектларни асраш билан бирга, улардан барча фуқароларнинг, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳам эркин фойдаланиши учун шароит яратиш муҳим. Шу мақсадда маданий мерос объектларига олиб борувчи йўлакларга пандуслар ўрнатиш, кўрсаткич ва муҳофаза белгиларини жойлаштириш, объект ҳақидаги маълумотларнинг кичрайтирилган макетларини тайёрлаш, Брайль алифбосидаги маълумотларни ўрнатиш бўйича туман ва шаҳар ҳокимликларига тавсиялар берилди. Шунингдек, зиёратгоҳлар ва диққатга сазовор жойларда объектнинг даври, тарихи ва жойлашуви ҳақидаги маълумотларни киришқисмида лотин алифбосида акс эттириш бўйича ҳам тегишли кўрсатмалар берилди.

Маданий мерос объектларидан самарали фойдаланишнинг яна бир йўналиши уларни белгиланган тартибда ижарага бериш ҳисобланади. Амалдаги тартиблар тушунтирилиши натижасида вилоятда жами 9 та: Нурафшонда 1 та, Оҳангаронда 4 та, Пискентда 2 та, Ўрта Чирчиқда 1 та, Оққўрғонда 1 та объект ижарага берилган. Бироқ қолган ҳудудларда бу борада ишлар яхши ташкил этилмаган. Айни пайтда Бўстонлиқ туманидаги “Жарбоши авлиё”, Паркент туманидаги “Заркент ота” диққатга сазовор жойлари бўйича узоқ муддатли инвестиция киритиш шарти билан ижарага бериш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, белгиланган тартибда Республика комиссиясига киритилган. Бу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенгайтириш маданий мерос объектларини сақлашга қўшимча имконият яратиши мумкин.

Хатлов жараёнида объектларнинг кадастр ҳужжатлари билан боғлиқ масалалар ҳам ўрганилди. Натижада 12 та объект бўйича кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилгани, 158 та объект эса давлат рўйхатидан ўтказилмагани аниқланди. Мазкур вазифаларни ҳал этиш мақсадида Кадастр палатасининг вилоят бошқармаси ва ҳудудий филиаллари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Археология объектларининг топографияси ва маркшейдерлик ишларини амалга ошириш бўйича Бўка туманида ишлар якунланган. Қолган ҳудудларда ҳам бу жараённи жадаллаштириш вазифаси белгиланди.

Айрим объектларга зарар етказиш хавфи мавжудлиги ҳам ўрганишлар жараёнида аниқланди. Масалан, Юқори Чирчиқ туманининг “Жумабозор” ҳудудидаги “Ботиртепа” археология ёдгорлиги муҳофаза ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ғишт заводи мавжудлиги қайд этилди. Оққўрғон туманидаги “Қирққангитепа шаҳристон” археология ёдгорлигида ўпирилиш ҳолати кузатилган. Бунинг олдини олиш бўйича ҳокимлик, ирригация ва сув таъминоти ҳамда фавқулодда вазиятлар бўлими ҳамкорлигида зарур чоралар кўриш белгиланди. Ўрта Чирчиқ туманидаги “Қоратепа” археология ёдгорлиги бўйича ҳам тегишли ташкилотлар, маҳалла раислари, чегарадош ер эгалари ва маҳаллий ҳокимликларга огоҳлантириш хатлари юборилди. Бу каби чоралар бир қарашда оддий маъмурий ишдек туюлиши мумкин. Аслида эса уларнинг замирида тарихий объектни асраш мақсади мужассам.

Хатловнинг яна бир муҳим натижаси – миллий рўйхатга киритилмаган, аввал аниқланмаган 42 та маданий мерос объектининг топилганидир. Уларнинг далолатномалари расмийлаштирилиб, жойлашуви аниқланмоқда. Айни пайтда янги объектларни бадиий экспертизадан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Демак, Тошкент вилоятининг тарихий харитаси биз ўйлагандан ҳам бойроқ. Ҳали номаълум, тўлиқ ўрганилмаган тарихий манзиллар ҳам бор. Уларни топиш – бир вазифа. Асраш эса ундан ҳам катта вазифа.

Мухтасар айтганда, Тошкент вилоятида ўтказилган хатлов бир ҳақиқатни яққол кўрсатди: маданий меросни муҳофаза қилиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳали ечимини кутаётган масалалар талайгина. Муҳофаза белгиларининг етишмаслиги, айрим объектларнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмагани, баъзи зиёратгоҳларнинг таъмирталаб ҳолга келиб қолгани, археология ёдгорликларининг ер майдонларига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши – буларнинг барчаси жиддий эътиборни талаб этади. Зеро, тарихий меросни асраш – ўтмишга ҳурматнинг ўзи эмас, келажак олдидаги бурч ҳамдир.

Бугун биз эътиборсиз қолдирган бирор бир тепалик, мақбара, мадраса ёки зиёратгоҳ эртага тарихнинг йўқолган саҳифасига айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам маданий мерос объектларини асрашда давлат идоралари, маҳалла, жамоатчилик, тадбиркорлар ва ҳар бир фуқаронинг масъулиятини ошириш зарур. Бу меросни қандай ҳолда келажак авлодга топширишимиз барчамиз учун катта имтиҳонидир.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (*tahrir hay’ati raisi*),
Abdusamad NOSIROV, G‘afurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV, Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, G‘ayrat SHERALIYEV, Kumush EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
To‘xtamurod HASANBOYEV

Navbatchi:
O‘tkir HOSHIMOV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Qabulxona: (55) 520-64-95. **Bosh muharrir o‘rinbosari:** (55) 520-04-10.
Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. **Bo‘lim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.
E’lonlar va hisob-kitob bo‘limi: (55) 520-21-20.
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2. **ISSN 2010-9318.**

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 18:30. Nashr ko‘rsatkichi – 205.
6 882 nusxada chop etildi. Hajmi – 3 taboq. Buyurtma G-935.
Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6